



ГУРУХ ВА КОТИБИЯТЛАР РАХБАРЛАРИ

www.andijan.uz

Андижон вилояти ҳокимлиги

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ УМУМИЙ БЎЛИМИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

Вилоят ҳокимлигининг умумий бўлими ҳокимликнинг таркибий бўлинмаси ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 январдаги “Давлат бошқаруви ҳудудий органлари тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида”ги 2-сонли қарорига мувофиқ ташкил этилган. Бўлим Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 29 мартдаги 140-сонли қарори билан тасдиқланган Йўриқнома асосида иш юритади.

Бўлим ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва формойишлари, Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши қарорлари, вилоят ҳокимининг қарор ва фармойишлари ҳамда мазкур низом асосида амалга оширади.

II. Бўлимнинг асосий вазифалари

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ҳамда ҳокимнинг ваколати доирасида ҳокимлик ижроия маҳкамасида;

- ҳокимнинг қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг қарорлари, ҳоким ва унинг ўринбосарлари топшириқларини расмийлаштиради.;
- вилоят ҳокимлигига кирувчи ва чиқувчи корреспонденцияни расмийлаштиради;
- вилоят ҳокимлиги мажмуалари, котибиятлари, гуруҳларида ҳужжатлар билан ягона услубда ишлашни ташкил этади;
- бўлимда, ҳокимлик котибият, гуруҳларида ҳужжатлар номенклатурасини тузиш ва йиғма жилдларни шакллантирилишини таъминлайди;
- ҳокимлик аппаратида ҳужжатларнинг сақланишини ташкил этади;
- сақланиш муддати тугаган ҳужжатларни белгиланган тартибда архивга топширади;
- Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари юзасидан 1а, 2а назорат карточкаларини юритади, расмийлаштиради ва келгусида назорат қилиш учун ташкилий-назорат гуруҳига тақдим этади;
- вилоят ҳокимлигидан чиқувчи ҳужжатларни белгиланган тартибда ва муддатларда жойлардаги ижрочиларга етказилишини таъминлайди;
- фуқароларнинг ёзма мурожатларини вилоят ҳокими резолюциясини билан ижрочиларга етказиши, бажарилишини назорат қилади;
- оғзаки мурожаат бўйича қабул қилади ва таалукли мажмуада уларнинг қабул қилинишини таъминлайди ҳамда назоратга олади.

III. Умумий бўлим ходимларининг иш тақсимооти

Бўлим мудир

Умумий бўлимга раҳбарлик қилади, вилоят ҳокимининг қарор ва фармойишларини, халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессиясини баёнлаштириш, расмийлаштириш ва уларнинг сифатини кўриб чиқиш, фуқароларни қабул қилиш, вилоят ҳокими ва унинг ўринбосарларини фуқаролар билан қабул кунларини уюштиради, фуқароларнинг оғзаки, ёзма мурожаатларини ўз вақтида бажарилиши, вилоят ҳокимлигига келган келув-чиқув ҳужжатларини рўйхатдан ўтказиш, ҳукумат хатларини манзилгоҳга ўз вақтида етказиш, ҳокимликдаги навбатчиликни, қабулхона котибалари ишларини

назорат қилиб боради, шаҳар ва туман ҳокимликларининг канцелария раҳбарлари ишларига амалий ёрдам беришни ва назорат этиб бориш ишларини мувофиқлаштириб боради.

Умумий бўлим мудири